



## PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF RECREATIONAL TOURISM IN UZBEKISTAN

**A.S. Abdukhamidov**

*Associate Professor*

*Samarkand Institute of Economics and Service*

*Samarkand, Uzbekistan*

**A.P. Makhmudova**

*Associate Professor*

*Samarkand Institute of Economics and Service*

*Samarkand, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Recreational tourism, international tourism, information, communication, healthcare, tourism services. **Abstract:** The article discusses the prospects for the development of recreational tourism in Uzbekistan.

**Received:** 02.06.22

**Accepted:** 04.06.22

**Published:** 06.06.22

## ЎЗБЕКИСТОНДА РЕКРЕАЦИОН ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**A.C. Абдухамидов**

*Доцент*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

*Самарқанд, Ўзбекистон*

**A.П. Махмудова**

*Доцент*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

*Самарқанд, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Рекреацион туризм, халқаро туризм, ахборот, алоқа, соғлиқни сақлаш, саёҳат хизматлари. **Аннотация:** Мақолада Ўзбекистонда рекреацион туризмни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинади.

**ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ РЕКРЕАЦИОННОГО ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ****А. С. Абдухамидов***Доцент**Самаркандский институт экономики и сервиса**Самарканд, Узбекистан***А.П. Махмудова***Доцент**Самаркандский институт экономики и сервиса**Самарканд, Узбекистан*

---

**О СТАТЬЕ**

---

**Ключевые слова:** Рекреационный туризм, международный туризм, информация, коммуникация, здравоохранение, туристические услуги.

**Аннотация:** В статье рассматриваются перспективы развития рекреационного туризма в Узбекистане.

---

**КИРИШ**

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, туризм тараққиёти учун фақатгина жозибador масканларнинг мавжуд бўлишининг ўзи етарли эмас. Маҳаллий туристик инфратузилмани ҳам етарли ривожлантириш лозим, яъни ҳудудда ички туризмнинг ҳам ўрни катта бўлиб, ундан даромад олиш, маҳаллий аҳоли талабларини қондириб, унга хизмат кўрсатиш, аҳолининг савиясини ошириш, одамларни иш ўринлари билан таъминлаш имкониятларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Давлат миқёсида амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистон йил сайин туризм ўлкасига айланмоқда. Бу, ўз навбатида, халқаро алоқаларни ривожлантириш, халқимизнинг бошқа миллатлар билан ҳамкорлигини кучайтириш имконини бермоқда. Ўзаро ҳамкорликнинг кучайиши эса мамлакатимизга жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳамда туристик хизмат экспортининг ўсишига хизмат қилади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мазкур йўналишга тааллуқли қонун ва кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг туризмга оид қатор фармонлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадида «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Мамлакатимизда туризм соҳасининг ташкил этилишига назар ташлайдиган бўлсак, соҳанинг асосий ҳуқуқий ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг „Туризм тўғрисида“ги қонуни ҳисобланади. Ушбу қонундаги айрим моддаларда туристик хизматлар билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифи берилган. Жумладан, қонуннинг 3-моддасида туристик хизматлар тушунчаси ҳақида бундай дейилган: „Туристтик хизматлар — туристик фаолият субъектларини жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари кўрсатиш борасидаги, шунингдек, туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлардир”.

Туристтик хизматлар — турист ва экскурсант эҳтиёжларини қондириш ва таъминлашга қаратилган, хизмат соҳасидаги бир мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар тўплами бўлиб, улар туризм мақсадларига, ҳарактери ва туристик хизматнинг қандай йўналтирилганига жавоб бериши ҳамда умуминсоний тамойилларга қарши бўлмаслиги керак. Давлат стандарти таърифига кўра, туристик хизматлар — туристларнинг эҳтиёжларини қондириш фаолияти билан шуғулланадиган туризм ташкилотларининг фаолияти маҳсулидир. Сирасини айтганда, хизматлар — кўзга кўринмас товарнинг ўзига хос туридир. Хизмат бевосита истеъмол жараёнида юзага келади ва алоҳида ҳолда бўлмайди. Хизматнинг товардан асосий фарқи ҳам шунда. Бундан ташқари, товар истеъмолчига олиб келиб берилади, туристик хизматда эса истеъмолчи бевосита хизматнинг пайдо бўладиган ерига олиб борилади. Шунинг учун ҳам туристик хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш моддий товарларни сотишга алоқадор бўлган қонунлар асосида эмас, балки бошқа қонунлар мажмуи билан бошқарилади. Туристтик хизмат таркибига хизматларни буюртма қилиш, ташиш, жойлаштириш ва бошқа барча расмийлаштириш ишлари, ташиб беришнинг барча турлари, трансфер, овқатлантириш, экскурсия ва атракционлар, тиббий кўрик ва суғурта, таржимон хизматлари, учрашувлар ҳамда бошқа хизматлар билан таъминлаш киради. Хизматлар таркибига яна гуруҳ бошлиғи хизмати билан гид — таржимоннинг хизмати ҳам киритилиши мумкин.

Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, хусусан, туризм соҳасини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ушбу соҳада ҳам туристларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида техник модернизация ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимиздаги меҳмонхоналар қайта таъмирланмоқда ҳамда замонавий транспорт воситалари сотиб олинмоқда.

Туризмнинг ҳозирги ҳолатини баҳолашда, шуни қайд этиш муҳимки, Ўзбекистонда туризм инфратузилмасининг ривожланиш даражаси чет эллик туристларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмаяпти. Инфратузилма етарлича ривожланмаган тақдирда туристлар оқимини ва шунга мос равишда валюта тушумини кўпайтириш мумкин эмас. Бундан келиб

чиққан ҳолда инфратузилманинг аҳволи туризмнинг ривожланишини таъминлаш билан бирга мамлакат имиджини ҳам шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатади. Ўзбекистон ҳудудида туризм инфратузилмаси бир текисда тақсимланмаган. Тошкент шаҳри ва вилоятида республика туризм салоҳиятининг 40 % қисми жамланган. Йирик инфратузилма салоҳиятига тўрт вилоят (Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм) ва Тошкент шаҳри эга.

Туризмни ривожлантириш учун мавжуд туристик ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш билан бирга, ҳар бир минтақанинг туризм инфратузилмасини талаб даражасида ривожлантириш муҳимдир.

*Туризм инфратузилмаси* деганда – туристларнинг туристик-рекреация ресурсларидан фойдаланишни таъминловчи бинолар тизими, муҳандислик ва коммуникация тармоқлари, шу жумладан, йўллар, туризмнинг хилма-хил корхоналари ҳамда туризм корхоналарининг ишлатилишини таъминлаш учун имкон яратишга хизмат қиладиган объектлар мажмуи тушунилади. Бу автомобил ва темир йўллари, йўл ҳаракатини, ҳаво йўлларини, денгиз ва дарё йўллари ҳаракатини тартибга солувчи тизимлар, иссиқлик, электр ва телефон алоқалари билан таъминлаш ва бошқалардир. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида “Туризм тўғрисида”ги қонун, ҳамда 2016-2021 йилгача Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш бўйича давлат дастури тўғрисида қатор меъёрий ҳужжатлар туристик инфратузилмаларни ривожлантириш учун кучли давлат дастури бўлиб хизмат қилмоқда. Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, бу муаммони ҳал қилишнинг қонуний асослари яратилди.

Республикамызда 20 дан зиёд туристик йўналишлар чет эллик туристларни ўзига жалб этиб келмоқда. Бу йўналишлар асосан ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган маданий танишувлар дастури асосида тайёрланган бўлиб, бунда Ўзбекистон Марказий Осиёдаги мувофиқлаштирувчи марказлардан бири сифатида кўрсатилган.

Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини ривожлантиришда барча инфратузилма объектларини жаҳон андозалари даражасига етказиб, туристлар талабини қондирадиган даражага кўтариш керак. Бунинг учун туризм инфратузилмасининг таркибий қисмлари: меҳмонхона, транспорт, озиқ-овқат, дам олиш, даволаш ва бошқа кўнгилочар хизматларни юқори даражада ташкил этиш лозим бўлади.

Туристик ресурслардан самарали фойдаланишда **транспорт тузилмасининг** роли ва ҳиссаси катта. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланишига «Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» миллий авиакомпаниясининг ҳам салмоқли улуши қўшилмоқда. Ҳозирга кунда миллий авиакомпаниямиз тасарруфида 12 та аэропорт мавжуд бўлиб, улардан олтитаси - Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч ва Термиз аэропортлари халқаро мақомга эга. Бу даражага ҳозирги кунда Навоий шаҳри аэропорти ҳам қўшилди.

**Овқатлантириш инфратузилмасида** меҳмонхоналар қошидаги ёки яқин тарзда ресторан, бар, кафелар, яхши ишлаб нафақат туристларга, балки маҳаллий аҳолига ҳам хизмат кўрсатмоқда. Айрим овқатлантириш объектлари юқори даражада хизмат кўрсатиш усулларини ўзлаштирган бўлсада, айримларида эса аҳвол талабга жавоб бермайди. Уларда хизмат кўрсатишнинг сифат даражаси анча паст. Агар овқатлантириш объектларида санитария ҳолати назорат қилиниб, овқатлар ва хизмат кўрсатишнинг турли иш шакллари жорий этилса, янада каттароқ ижобий ютуқларга эришиш мумкин.

Ҳозирги пайтда туризмнинг ривожланишида банк ва молиявий ташкилотлар хизматларининг ўрни катта. Туристлар саёҳатда ва дам олишда хилма-хил молиявий хизмат турларидан фойдаланишни хоҳлайдилар. Яъни, ўз хоҳиши бўйича бирор нарса сотиб олишни исташади. Бунда улар кўнгил очиш учун ҳар куни кўп миқдорда пул сарфлашади. Шу сабабли бу хизмат турини такомиллаштириш туристларга қулайликларни яратади. Бу соҳада ҳам такомиллаштириш лозим бўлган катта имкониятлар мавжуд.

**Ахборот хизмати** ҳам туристик ресурслардан унумли фойдаланиш учун жуда зарурдир. Турист саёҳатга тайёрланаётганда ҳамда саёҳат вақтида ўзи борадиган жой ҳақида, ўша мамлакат ёки борадиган ҳудуднинг қонун-қоидалари, одатлари, меҳмондўстлиги ҳақидаги қўшимча маълумотларга, шунингдек, ўша жойнинг харитасига, транспорт магистраллари схемасига муҳтож бўлади. Саёҳат ва туристларнинг саргузаштлари ҳақидаги маълумотлар оммабоп ва махсус адабиётлар кўринишида чоп этилади ва бу ҳолат туристларни саёҳат қилишга қўзғайди. Туризмда бўлажак туристларга бепул тарқатиладиган ахборотларни ранг-баранг кўринишида чоп этишга эътибор қаратиш лозим.

Туризм инфратузилмасини замонавий компьютер хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Тезкор ахборот ва сўзлашув, янгиликлардан хабардорлик туризмнинг муҳим талабидир. Ҳозирги турист интернет, факс ва бошқа замонавий техника воситаларидан фойдаланиши орқали бошқа мамлакатларнинг туристик ресурслари ҳақида тасаввурга эга бўлади. Замонавий электрон воситалари, шу жумладан, туристик хизматлар, туристик марказлар ҳақидаги маълумотлар жойлашган миллионлаб сайтларга эга бўлган интернет тармоқлари нафақат саёҳат ва туристик агентликларни танлаш, ҳаттоки, тур саёҳатнинг чипталари, хизматлар учун тўловларни ҳам олдиндан тайинлаб қўйиш мумкин. Туризм ташкилотчилари ахборот хизматидан кенг қўламда фойдаланишни янада такомиллаштиришлари лозим.

Кейинги йилларда республикада туризм инфратузилмасини замон талабига мослаштириш мақсадида кўпгина ишлар қилинмоқда. Масалан, «Буюк ипак йўли»даги Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларининг аэропортлари ва темир йўл вокзалларида туристлар учун божхона расм-русумларини халқаро меъёрларга мос соддалаштирилган тартиби, шунингдек, транзит туристлар учун махсус божхона зоналари

жорий қилиш кўзда тутилди. Ушбу шаҳарларда янги ташкил этиладиган туристлик ташкилотлар ва корхоналар барпо этилган пайтдан бошлаб, дастлабки фойдани олгунга қадар ўтадиган даврда, яъни рўйхатга олинган санадан кейин узоғи билан уч йил мобайнида барча турдаги солиқлардан озод қилиш имконияти яратилди. Шунингдек, туризм соҳасида қўшма корхоналар барпо этувчи хорижий сармоядорлар, илгари берилган имтиёзларга қўшимча равишда, олиб кетадиган фойдадан 5 йил муддатга солиқ тўлашдан озод қилиниши бу борадаги имкониятларни янада кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга.

### ХУЛОСА

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда туризм бозорида кескин рақобат вазияти ҳукм сурмоқда, шунинг учун иқтисодий қонунлар, менежмент, маркетинг билимларини ўрганмасдан туриб, бизнесдаги рақобат курашида ғолиб бўлиш мумкин эмас. Айнан шу билимлар туристик бизнес мутахассисларига зарур қарорларни қабул қилишга, фаолиятини режалаштиришга хатоликларга йўл қўймасликка, корхонанинг гуллаб-яшнашига имкон яратади.

Кўпгина ҳудудлар ўзига хос қадимий шаҳарлар, архитектура, тарихий маданий ёдгорликларга бой ҳисобланади. Туристлик инфратузилмаларнинг ривожланиши уларнинг асл манзарасини бузмаслиги керак. Ҳар бир ташкил этилаётган янги туристик марказ (объект) миллийлик билан уйғунлашган, қайтарилмас ўзига хосликка эга бўлиши лозим. Албатта, тарихий-маданий, архитектура ва маданий мажмуаларнинг миллий кадр-қиймати, тарихий баҳосини тиклаш ва муҳофаза қилиш орқалигина туристлар қизиқишини орттириш, бу орқали туризмни ривожлантиришга эришиш мумкин.

Диққатга сазовор жойлар тўғрисидаги маълумотлар ёнида шу тилларда ёзма ёки овоз тасвиридаги тушунтиришлар берилиши мақсадга мувофиқ. Меҳмонхоналар ва сайёҳлар учун йўналиш берувчи ахборот марказларини шакллантириш туризм ривожига муҳим аҳамият касб этади. Самарқанд шаҳрида туристик ахборотлар марказини вужудга келтириш, меҳмонхоналарни таклиф қилиш, диққатга сазовор жойлар ҳақидаги материалларни кўрсатиш ва асосий эътиборга лойиқ ҳудудларни реклама қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда қўйидаги ишларни жадаллаштириш керак деб ҳисоблаймиз:

- ахборот лавҳалари, плакатлар, кўргазмалар ва бошқа шу каби воситалар ёрдамида туристларни туристик ресурслар ҳақидаги ахборотлар билан таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- музей экспозицияларини кенгайтириш ва археологик қазилмалар амалга оширилаётган жойларда (енг қизиқарли пунктларда тўхтаб ўтиш билан) пиёда сайр қилишни ташкил қилиш ҳам туристлар учун жуда муҳимдир.

Миллий туристик маҳсулотни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун туризм инфратузилмасини шакллантириш ва такомиллаштиришга хусусий сектор

маблағлари билан бирга халқаро инвестицияларни жалб қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу, ўз навбатида, туризм индустриясини ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Бунда:

- туризмда хизмат кўрсатишнинг даражаси тўғрисида фикрларни ўрганиш мақсадида туристлар ўртасида тадқиқотлар ўтказиш;
- миллий туристик маҳсулотлар ва туристик-экскурсия хизматлари бозорининг ҳозирги даврдаги ва истиқболдаги ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилишда маркетинг усулларида кенг фойдаланиш;
- миллий туристик маҳсулотни ривожлантириш бўйича оптимал бошқаришни ташкил қилиш;
- миллий туристик маҳсулотни истиқболда ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш каби тадбирларни амалга ошириш лозим.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmoni.
2. Raximov Z.O. Turizm sohasida mehmonxonalar xo‘jaligini rivojlantirishning ijtimoiy-iqtisodiy muammolari.// Monografiya. – Samarqand: SamISI, 2021. 212 bet.
3. Raximov Z.O., Ibadullaev N.E., Xaitboev R. Turoperuting.// Darslik. – Toshkent: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2021, 396 bet.
4. Raximov Z.O., Ismailov N.I. Rivojlanayotgan raqamli iqtisodiyotda raqamlashayotgan turizmning ahamiyati./ Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universitetining Axborotnomasi. Nukus 2020 yil 3-son (ISSN 2010-9075). 42-45 bet.
5. Raximov Z.O. Raqamli iqtisodiyotda raqamlashayotgan turizmning yangi turlarining rivojlanishi./ SamISIda o‘tkazilgan «Turizmда innovatsion-investitsiya jarayonlarini rivojlantirish istiqbollari» mavzusida xalqaro onlayn ilmiy-amaliy konfransiyasi. (2020 yil, 3-iyun) – Samarqand: SamISI, 2020.
6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-son «O‘zbekiston Respublikasini 2017-2021 yillarda yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida»gi Farmoni, [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 16 avgustdagi PQ-3217-son «2018-2019 yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo‘yicha chora-tadbirlari tadbirlar to‘g‘risida»gi Qarori. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 7 fevraldagi PQ-3514-son «Ichki turizmni jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi Qarori. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)



9. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 2 apreldagi 03/1-220- son bilan tasdiqlangan «Qoraqalpog‘iston Respublikasi va viloyatlarda namunali fermer xo‘jaliklarini sayyohlarga xizmat ko‘rsatishga moslashtirish, ularga sayyohlarni jalb qilish hamda ularning mamlakatimizda bo‘lish muddat-larini uzaytirish maqsadida agroturizm va qishloq turizmini rivojlantirish bo‘yicha chora-tadbirlar dasturi». [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

10. Azizkulov B.X., Siddiqov A.A. Assessment of the features of investment in the development of agrotourism based on a cluster approach. Journal of innovations in economy. 2021. Vol. 4, Issue 1. (40-48) pp. DOI 10.26739/2181-9491-2021-1-6.

11. Busby G., Rendle S. (2000). The transition from tourism on farms to farm tourism. Tourism Management, 21(6): 635-642. DOI:10.1016/S0261-5177(00)00011-X.

12. Здоров А.Б. Организационно-экономические основы развития аграрного туризма. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономи-ческих наук. Москва – 2011.